

Шундан бошқа кўйлаги йўқ эди



08:00 / 06.12.2019 1894

Масламадан ривоят қилинади: «Умар ибн Абдулазиз вафот этган куни унинг ҳузурига кирдим. Абдулмаликнинг қизи Фотима унинг бош тарафида ўтирар эди. У мени кўриб, ўрнидан турди ва оёқ тарафига ўтиб олди. Мен унинг бош томонига ўтирдим. Маййитнинг эғнида чўнтаги тешик эски бир кўйлак бор эди. Мен Фотимага: «Бу кўйлакни алмаштирсангиз бўлмайдами?» дедим. У индамади. Бир неча марта сўзлашга оғиз жуфтлади, аммо гапиролмай, йиғлаб юбораверди. Ниҳоят, ўзини босиб олгач, «Аллоҳга қасам, унинг шундан бошқа кўйлаги йўқ эди», деди.

«Солиҳлар гулшани» китобидан